

**NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN**

**SOUTH KAZAKHSTAN UNIVERSITY**

**SHYMKENT UNIVERSITY**



**May, 2023**

# **Current Issues of Social Sciences and Humanities**

**International Symposium**

**The Department of Ethics and Aesthetics**

**The Faculty of Social  
Sciences**



**NUU.UZ**





**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА КАФЕДРАСИ**

**М.АУЭЗОВ НОМИДАГИ  
ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШЫМКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

*Халқаро симпозиум материаллари*

**2023 йил, май**

**“Academic Research” МСНЖ**

**ТОШКЕНТ – 2023**



## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ГИГЕНИК ЖИХАТДАН БАҲОЛАШ

**Л. К. Абдукадилова**

Тошкент тиббиёт академияси тиббиёт фанлари номзоди, доцент

[l.abduqodirova63@gmail.com](mailto:l.abduqodirova63@gmail.com)

**Б. Ю. Абдукадилова**

Тошкент тиббиёт академияси “Биотиббиёт муҳандислиги, информатика ва биофизика”

кафедраси таянч докторанти

[abdukadirovabarno863@gmail.com](mailto:abdukadirovabarno863@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мобил телефоннинг бевосита инсон соғлиғига зарар келтирувчи электромагнит нурланиш манбаи эканлиги, электромагнит тўлқинлари эса хужайра даражасидаги ўзгаришларни рағбатлантириб, ген тартибидаги бузилишларга, ҳамда касал хужайралар ва ўсимталарнинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётганлиги ҳақида сўз юритилади. Мақолада мобил телефондан фойдаланишга доир профилактик тадбирлар ҳам ёритилган.

**Калит сўзлар:** ахборат хуружи, глобаллашув, мобил телефон, электромагнит тўлқинлар, тўқима, организм, ген, хужайра, касалликлар.

### АННОТАЦИЯ

В этой статье говорится, что мобильный телефон является источником электромагнитного излучения, которое напрямую вредит здоровью человека, в то время как электромагнитные волны стимулируют изменения на клеточном уровне, вызывая нарушения в последовательности генов, а также образование больных клеток и опухолей. В статье также рассматриваются профилактические меры по использованию мобильного телефона.

**Ключевые слова:** информационная атака, глобализация, мобильный телефон, электромагнитные волны, ткань, организм, ген, клетка, болезни

### ABSTRACT

This article says that a mobile phone is a source of electromagnetic radiation that directly harms human health, while electromagnetic waves stimulate changes at the cellular level, causing disturbances in the gene sequence, as well as the formation of diseased cells and tumors. The article also discusses preventive measures for the use of a mobile phone.

**Keywords:** information attack, globalization, mobile phone, electromagnetic waves, tissue, organism, gene, cell, diseases





Мобил телефонлар, аллақачон, ҳозирги замоннинг ажралмас қисмига айланиб бўлган. Улар ёрдамида биз ўзимизга яқин бўлганлар, ҳамда дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, энг мураккаб муаммоларни ҳам хал эта оладиган инсонлар билан доимий мулоқотда бўлиш имкониятига эгамиз. Мобил телефоннинг яратилишини техник тараққиётнинг ҳақиқий инқилоби деб аташ мумкин, аммо, барча техник тараққиёт яхшилик билан бир қаторда салбий оқибатларга ҳам эга.

Глобаллашув жараёнида ахборот хуружларининг таъсири ҳақида сўз юритар эканмиз бевосита бугунги кунда оммалашиб кетаётган уяли алоқа телефонлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз лозим, маълумки бугунги кунда барча таълим муассасаларида ўқувчи-талаба ёшлар ўртасида мобил телефон орқали инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи, маънавий бузуқликнинг турли кўринишлари, порнография, алкоголизм, ичкиликбозлик, кашандалик каби иллатларни тарғиб этувчи, жамиятда умумэътироф этилган ахлоқий кадриятларга зид бўлган, ўқувчиларнинг жисмоний ва маънавий камолотига зарар келтирувчи, шунингдек, диний ва миллий низолар келтириб чиқарувчи, диний ақидапарастлик ва миссионерлик билан боғлиқ ҳар қандай кўринишдаги маълумотларни олиб кирмаслик ва тарқатилишига йўл қўймаслик, уларнинг хавфсизлиги тўлиқ кафолатланмаган хизматлари, жумладан, SMS–танишув хизматларидан фойдаланмаслик, таълим муассасасида мобил телефоннинг ўта баланд овозга созланиши, уларга мазмунида ўқувчи-талабаларнинг ёши ва ижтимоий мавқеига мос бўлмаган, маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи мусиқа (рингтон)ларни ўрнатмаслик, эшитмаслик ва тарқатмаслик, маънавий-ахлоқий тарбияга салбий таъсир кўрсатувчи тасвирлар (Wallpaper ёки «Заставка»), безаклар, символлар, кўғирчоқ ва бошқа шу кабилардан фойдаланмаслик бўйича тушунтириш берилмоқда. Яна бир масалани таъкидлаш лозим мобил телефонлар бу клиплар куриш, узоқ муддатда кўшиқ тинглаш ва ўйин ўйнаш учун эмас балки бу алоқа воситасидир[1].

Мобил телефоннинг яратилиши эса, бевосита инсон соғлиғига зарардир. Мобил алоқа – инсон организми учун зарарли бўлган электромагнит нурланиш манбаи. Ҳозирги кунга келиб, электромагнит тўлқинлар хужайра даражасидаги ўзгаришларни рағбатлантириб, ген тартибидаги бузилишларга, ҳамда касал хужайралар ва ўсимталарнинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётганлиги исботланган. Трубкадан бошқариладиган электромагнит нурланишнинг радиочастотали кўлами бош тўқималари, жумладан, мия тўқималари, кўзнинг тўр пардаси, кўриш,



вестибуляр ва эшитиш анализаторлари таркиби томонидан ютилиб, организмнинг айрим органлари билан бир қаторда, йўлбошчи вазифасида асаб тизимига ҳам бевосита таъсир этади. Электромагнит тўлқинлар тўқималарга кириб бориб, уларни қиздиришини олимлар исботлаб берганлар. Вақт ўтиб, бу ҳолат бутун организм фаолиятига салбий таъсир этади, жумладан, асаб, юрак, қон-томир ва эндокрин тизимларига. Бу эса, мобил телефонларнинг зарари жуда катта эканлигини исботлайди.

Мобил телефонлардан фойдаланганда, кўп абонентлар бош ва кулоқ қисмлари атрофида нохуш қизиш ҳолатини сезадилар. Ўттиз ёшгача бўлган ёшлар бу хатарга кўпроқ йўлиқадилар[2,3].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра мобил телефондан вақтидан ортиқ сўзлашганларда бош оғриғи ва айланиши, толиқиш ҳолатлари, уйқусизлик, кунгил айнаши, кулоқ оғриғи каби касалликлар кузатилган. Мобил телефонлардан нурланишга, айниқса, болалар таъсирчандирлар. Олимлар, мобил телефонлардан фойдаланган болалар, хотира ва уйқу бузилиши хавф-хатарига кўпроқ дучор бўлишлари ҳақида огоҳлантирганлар. Уларнинг асосий сабаби, суст ҳаракатдаги электромагнит тўлқинларининг боланинг кичкина ва нисбатан ингичка мия қобиғига кириб бориши. Бу нурланиш мия ритмларига таъсир этиб, боланинг ривожланиш жараёнида бўлган иммун тизимига зарар етказиши мумкин. Зарарли электромагнит нурланишнинг оқибати, радиодаги товушнинг тиниқ эшитилишига халал берувчи шовқин каби. Нурланиш қуйидагиларга олиб келади: организм ҳужайраларининг барқарорлиги бузилади, асаб тизими фаолияти ишдан чиқади, бош оғриқлари пайдо бўлади, хотира йўқолади, уйқу бузилади, кўз оғриғи ва қадалиши, кўз шиллиқ қаватининг қуриши ва кўриш қобилиятининг жуда тез пасайиши кузатилади[4].

Шу билан биргаликда хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш тажрибаси ҳам ўрганилди. Ушбу муаммо дунё ҳамжамияти учун ҳам ташвишли ҳол бўлиб, ҳисоб китобларга қараганда, ҳозир дунё аҳолисининг тўрт ярим миллиондан ортиқ қисми мобил телефонида фойдаланади. Мактаб ўқувчиларининг мобил телефонида фойдаланишга чекловлар ўрнатиш борасида кўплаб давлатларда амалий қадамлар қўйилган. Масалан, Бангладешда 16 ёшгача бўлган болаларнинг мобил телефонида фойдаланиши бутунлай тақиқланган, Франция, Испания ва Англия давлатлари томонидан ҳам болалар учун мобил алоқа телефонида





фойдаланишда чекловлар қўйилган. Англиянинг Янги Уолтем шаҳридаги мактабларда эшикдан кираверишда махсус тезкор алоқа воситаларини фoш этувчи сканер ўрнатилган. Агарда қай бир ўқувчидан телефон топиладиган бўлса, махсус хизмат вакиллари уни дарров мусодара қилиб, ота-оналаридан жарима ундирилади[5].

Мобил телефондан қандай фойдаланиш лозим деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз, яъни мобил телефондан фойдаланиш вақтини чегаралаш - бир кўнғирокқа 2-3 дақиқа ажратиш керак, кун давомида жами сўзлашувлар вақти 10-15 дақиқани ташкил этиши лозим. Имкон қадар симсиз қурилмалардан, яъни телефондан узоқроқ масофада бўлиб туриб ёки баланд овозли сўзлашув алоқасини ёқиб туриб фойдаланиш даркор. Мобил телефон олдида уҳламаслик керак. Мобил телефоннинг электромагнит нурланиши, ҳатто кутиш режимида ҳам, уйқунинг нормал вақтларини бузиб, асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади. Мобил телефонни танага яқин жойларда, жумладан, чўнтакларда, олиб юрмаслик лозим. Шунини инобатга олиш жоизки, экранлаштириш (автомобиль, темир-семон бинолар) шароитида, инсонга таъсир этувчи электромагнит (ЭМН) нурланиш оқимининг зичлиги янада кучаяди[6,7].

Имкон қадар, телефондан электромагнит тўлқинлар яхши узатилмайдиган жойларда (лифт, ер ости хоналари, транспорт ва х.к.) фойдаланилмаслик лозим, чунки бундай ҳолатда телефон тўлқинларни яхши узатадиган антенна излаб, ўзидан чиқарадиган нурланишни янада кучайтиради. Мобил телефонни ёпиқ жойларда (машина, уй) камроқ ишлатиш, зеро, ундан таралаётган тўлқинлар ҳеч қаерга чиқиб кетолмай, яна ўзига қайтарилади, бу эса, нурланишнинг кучайишига сабаб бўлади. Бир мобил телефондан иккинчисига ахборотни симсиз усул орқали узатиш ҳам (Bluetooth), унга қўшимча нурланиш учун сабаб бўлади[8].

Агар фойдаланиш хавфсизлигининг элементар қоидаларига риоя қилинса, мобил телефон нурланишидан кўриладиган зарар анча камайтиради.

## REFERENCES

1. Абдукадилова, Л. К., & Умирбеков, О. Д. (2020). Даволаш профилактика муассасалари радиология бўлими хоналаридаги нурланиш доза даражасини аниқлаб баҳолаш. *Интернаука*, (2-2), 68-69.



2. Абдукадилова, Л. К. Она ва бола саломатлиги-миллат соғлиги. Тиббий таълимда инновацияларни қўллаш ва интеграл маърузаларни такомиллаштириш-2016 С96-97, 3.
3. Salomova, F. I., Akhmadaliev, N. O., Sharipova, S. A., & Abdukadirova, L. K. (2019). Social Portrait, Conditions, Lifestyle and Health of Universities Professors of The Republic of Uzbekistan in Modern Conditions. Central Asian Journal of Medicine, 2019(3), 93-103.
4. Абдукадилова, Л. К. Соғлом турмуш тарзининг гигиеник асослари. Фан ва техника тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами-2017.
5. Abdukadirova, L. K., Jalolov, N. N., Nozimjonova, M. N., & Narzullayeva, U. S. (2022). Evaluation of practical nutrition of patients with chronic hepatitis.
6. Абдукадилова, Л. К. (2019). Экологик барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили-атмосфера хавосини муҳофаза қилишдир. Интернаука, (5-2), 49-50.
7. Абдукадилова, Л. К., & Абдурахмонов, Б. О. (2019). РАДИОЛОГИЯ БЎЛИМИ ХОНАЛАРИДАГИ НУРЛАНИШ ДОЗА ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАБ БАХОЛАШ. Интернаука, (3-3), 30-31.
8. Абдукадилова, Л. К., & Абдуллаева, Ў. Я. (2019). ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАРБИЯЛАНАЁТГАН ОИЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ГИГИЕНИК ХОЛАТИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ. Интернаука, (5-2), 47-48.
9. MUHAMMEDJANOVA, L. (2022). ОИЛА ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ШАХС КАМОЛОТИДА
10. Tulyayev, Avazbek Ilhomovich (2019) "THE ISSUE OF PROTECTING YOUTH FROM THE DANGER OF VIRTUAL INFORMATION," Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology: Vol. 1: Iss. 9, Article 22.
11. Ражабов, Ш. (2022). КИБЕРМАКОНДА МАРКЕТИНГНИНГ ЭСТЕТИК ҲУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3(NUU Conference 2), 438-445.



MUNDARIJA

1. Мухамеджанова, Л. А., & Инаков, К. К. (2023). РОЛЬ НРАВСТВЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ПРЕДОТВРАЩЕНИИ СЕМЕЙНЫХ РАЗВОДОВ. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 8-18. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-8-18>
2. Агзамова, Н. Ш. (2023). ИНФОРМАЦИОННАЯ ЭТИКА – ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 19-27. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-19-27>
3. Каримов, А. Р., & Хорт, М. Г. (2023). СОВРЕМЕННЫЕ ВЫЗОВЫ В ЭТИКЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 28-33. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-28-33>
4. Segalerba, G. (2023). NOTES ON MAHBUB UL HAQ'S THOUGHT. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 34-48. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-34-48>
5. Kadirova, D. S. (2023). NAFOSAT FALSAFASINING TADQIQOT DOIRASI VA ESTETIK ME'ZONLARI. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 49-60. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-49-60>
6. Рахимшикова, М. К. (2023). АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК В ТВОРЧЕСТВЕ АБУ НАСРА АЛЬ-ФАРАБИ. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 61-68. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-61-68>
7. Абдуазизова, В. В., & Мухторалиева, М. А. (2023). ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 69-76. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-69-76>
8. Абдуазимова, З. А. (2023). ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СРЕДСТВА И ФАКТОРЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 77-82. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-77-82>
9. Абдукадилова, Л. К., & Абдукадилова, Б. Ю. (2023). ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ГИГИЕНИК ЖИХАТДАН БАҲОЛАШ. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 83-87. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-83-87>
10. Abdulazizov, A. H. (2023). MUTOLAA IJTIMOY-MADANIY HODISA SIFATIDA. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 88-96. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-88-96>
11. Abdullayev, T. B. (2023). INSON BORLIG'IDA ONG VA TAFAKKUR USLUBI MUTANOSIBLIGI. *Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari, Xalqaro simpozium materiallari*, 97-101. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2023-2-97-101>

